



**“Хар бир оила тадбиркор”
дастури доирасида тадбиркорлик
фаолиятини амалга ошириш ва
маслаҳат олиш учун қуйидаги
телефон рақамларга
боғланишингиз мумкин.**

**Телефон рақамлари:
71 202 80 08 (11267)**

**Электрон манзил:
headoffice@agrobank.uz
www.agrobank.uz**

Хизматлар лицензияланган.



**ИССИҚХОНАДА
ПОМИДОР
ЕТИШТИРИШ**

**Агробанк томонидан
“Хар бир оила тадбиркор”
дастури доирасида ажратиладиган
имтиёзли микрокредитлар**

Асосий тушунчалар

“Хар бир оила тадбиркор” дастури доирасида микрокредитлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектларни ташкил этишга, уларни техник ва технологик жиҳозлашга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш мақсадларида ажратилади.

Қарз олувчи – тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган жисмоний шахслар, шунингдек, кичик тадбиркорлик субъектлари ҳисобланган якка тартибдаги тадбиркорлар, микрофирмалар, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда оилавий тадбиркорлик субъектлари.

Кредит мақсади

Иссикхонада помидор етиштириш учун.

Жисмоний шахслардан талаб этиладиган ҳужжатлар:

- Ариза;
- Паспорт;
- Туман оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш маркази хулосаси;
- Мол етказиб берувчи ташкилот билан тузилган шартнома.

Кичик тадбиркорлик субъектидан талаб этиладиган ҳужжатлар:

- Ариза;
- Бизнес-режа;
- давлат солиқ инспекциясига охирги ҳисобот даври учун бухгалтерия баланси (1-сон шакл), молиявий нагизлари (2-сон шакл) ҳисоботи (янги ташкил этилган юридик шахслар бундан мустасно);
- Мол етказиб берувчи ташкилот билан тузилган шартнома.

Таъминот тури:

Жисмоний шахслар учун:

- микрокредит қайтарилишининг таъминотига сектор раҳбарлари ва маҳалла фуқаролар йиғинининг оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун бериладиган имтиёзли кредитлаш бўйича тавсияномаси.

Бунда тижорат банклари кредитнинг қайтмаслик хатарини суғурталайди.

Кичик тадбиркорлик субъектлари учун:

- учинчи шахс кафиллиги;
- суғурга полислари;
- кредит ҳисобига сотиб олинаётган мол-мулклар;
- Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг кафиллиги;
- бошқа таъминот турлари.

Кредит миқдори

- БҲМ*нинг 150 бараваригача миқдорда - оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун;
- БҲМнинг 1000 бараваригача миқдорда - кичик тадбиркорлик субъектлари учун;
- БҲМнинг 1000 бараваридан ортиқ миқдорда - самарадорлиги юқори ва барқарор иш ўринлари яратиш имконияти мавжуд лойиҳалар учун.

Фоиз ставкаси

Микрокредитлар йиллик 14 фоиз устама тўлаш шарти билан ажратилади.

Кредит муддати

- Микрокредитлар 6 ойгача имтиёзли давр билан 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга;
- Айланма маблағларни тўлдиришга имтиёзли кредитлар 18 ой муддатгача револьвер кредит тарзида ажратилади.

*БҲМ - базавий ҳисоблаш миқдори

**Иссикхонада помидор етиштириш бўйича
бизнес режа (2 сотих мисолида)**

сўмда

№	Номланиши	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Қиймати	Жами харажат
1	Ажратиладиган кредит миқдори иссиқхона учун	сотих	2	5 000 000	10 000 000
2	Жами помидор кўчати, шундан:	туپ	900		990 000
2.1	1 йил	туپ	300	1 000	300 000
2.2	2 йил	туپ	300	1 100	330 000
2.3	3 йил	туپ		1 200	360 000
3	Харажатлар 3 йиллик (минерал ўғит, дори-дармон ва ҳ.к)	кг	15,0	25 000	375 000
4	3 йиллик жами кредит харажатлари, шундан:				12 508 333
4.1	асосий қарз				10 000 000
4.2	фоиз тўловлари				2 508 333
5	Жами харажат				13 873 333
6	Жами даромад, шундан	кг	5 100		51 000 000
6.1	1 йил	кг	1 700	9 000	15 300 000
6.2	2 йил	кг	1 700	10 000	17 000 000
6.3	3 йил	кг	1 700	11 000	18 700 000
7	соф фойда				37 126 667

